Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 131 (7. 220) 1990 йил 9 июнь, шанба Баҳоси 3 тийин

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

Ўн баравар ортди

СЕРГЕЛИДАГИ темир-бетон буюмлари заводида бундан чорак аср муқаддам дастлаб темир йўл шпаллари тайёрланганди. Бугунги кунда 20 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Булар темир йўл ҳамда кўприклар қурилишида, йўлларни электрлаштиришда ишлатиладиган темир-бетон буюмларидир.

Корхонада ўтган 25 йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 10 баравардан ортиб 95 минг куб метрга етди. Корхона жамоаси маҳсулот кўламини ошириш мақсадида янги бўлимлар барпо этиш асосида асосий қувватларни ўстириш йўлини тутмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йилликда эски бўлимлардан бир қатор линияларни янгилари билан алмаштириш ишларини олиб бормоқдалар.

Меҳнат аҳли меҳнатни тўғри ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, машина ва ускуналарнинг бенуқсон ишлашларини таъминлаш орқали бугун йил бошидан бери тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот ҳажми 35 минг кубометрдан ошиб кетди.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Харидоргир буюмлар

ТОШКЕНТ химия машинасозлиги заводининг 4-бўлими жамоаси асосан халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаради. Бу ерда турли хилдаги пластмасса буюмлар, катталар ва болалар пойабзаллари, тўр халталар, шунингдек ҳошияли стулчалар тайёрланмоқда.

БУГУН корхона жамоаси савдо бошқармаларига 19,6 минг сўмлик ана шундай харидоргир маҳсулотлар юборди.

З. МУРОДОВ.

Ўз кучлари билан

АКМАЛ ИКРОМОВ районининг 15-«В» даҳасида 32 хонадонли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Унда бир қатор қулайликлар кўзда тутилган.

— Бу бино Тошкент саноат қурилиш трести ишчи ва хизматчилари учун мўлжалланган бўлиб ҳашар йўли билан амалга оширилди, — дейди мазкур трестга қарашли пардозлаш бошқармаси бош инженери И. Алиев.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

ЧИҚИТДАН ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТИ

ЧУҚУРСОЙ йирик девор панеллари ва керамзит заводи жамоаси пойтахт қурилиш жабҳаларини зарур бетон деворлар билан таъминлашдек масъулиятли ишини меъёрида бажариш билан бир қаторда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йўлида ҳам яхши самарага эришмоқда. Жамоа шу йилнинг беш ойлик топшириқларини муддатидан олдин бажариб 108 минг сўмлик кўп хизмат кўрсатди. Шунингдек бу ерда кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш бўлими ташкил этилиб, илгари чиқитга чиқазилиб юбориладиган қолдиқ бетон цементли қоришмалардан кўча ҳошиялари йўлаклар учун 35х35 катталикдаги плита тўсқичлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек бу ерда керамзит панеллар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Д. АЗИМОВ.

Ҳовли юмушлари учун

ТОШКЕНТ подшипниклар таъмирлаш заводида аҳоли истеъмоли учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги кунда бу ерда 15 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. Тайёрланаётган буюмлар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Корхонада уй-рўзғор, дала ҳовли юмушлари учун ҳамда мактаб ва мактаб ёшидаги болалар дидига мослаб буюмлар тайёрланмоқда.

Йил бошидан бери савдо пештахталарига 162 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари юборилди.

О. АЪЛОЕВ.

Суратли кўргазма

ЖУМҲУРИЯТ Журналистлар уюшмаси билан табиатни муҳофаза қилиш жамияти жамоаси ҳамкорликда Ленин шоҳ кўчаси билан Ленинград кўчалари муюлишида табиатни муҳофаза қилишга бағишланган кўргазма ташкил этди. Бунда 40 та муаллифнинг 100 га яқин суратлари намойиш қилинмоқда.

Ш. ҚОСИМОВ.

Фаолларга мукофот

ЯҚИНДА Ўзбекистон ССР ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳар ва Акмал Икромов район ички ишлар бошқармаси ва бўлими жиноятчиликка, тартиббузарликка қарши иш олиб бориш борасида фаол қатнашаётган бир гуруҳ маҳаллалар етакчиларини қимматбаҳо совғалар билан мукофотлади.

Рағбатлантирилганлар орасида У. Юсупов номли, «Бекобод», «Бешқайрагоч», А. Тожиев, Ульянов, М. Горький, А. Икромов номли маҳаллалар комитетлари раислари ҳам бор.

Д. ОРТИҚОВ.

Мусиқа тарғиботи

МУҲИДДИН Қориёқубов номидаги жумҳурият давлат филармонияси қошида биринчи бор ўзбек тилида мусиқашунослик бўйича доимий ишлайдиган лекторий ташкил этилди.

Унинг асосий вазифаси маҳаллий ижрочилар ижросида ўзбек халқ чолғу куйларидан лекция-концертлар ташкил этиб, уни тарғибот қилишдир. Шу билан бир қаторда махсус мактаб ёшидаги, катталар ва кичкиналар учун абонементлар таъсис этилган.

А. САИДОВ.

Эртага—Енгил саноат ходимлари куни



ЯХШИ ЛИБОС—ҲУСНГА МОС

ДИЛОРОМ Зияева хайрли ва эзгу касбни танлаган қизларимиздан. Ў халқимизни бири-биридан бежирим либослар билан кийинтиришдек эзгу ишга бел боғлаган чеварлардан биридир.

«Дарахт бир жойда кўкаради», деганларидек унинг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Собир Раҳимов райони ҳудудидаги 1-фабрикасида иш бошлаганига ҳам ҳаш-паш дегунча беш йил ўтиб кетибди. Ана шу вақт ичида касбига ихлос қўйган Дилором жамоа орасида ўзига яраша ҳурмат-эътибор, иззат-икром топди, меҳнатсеварлиги, куйди-пишдилиги билан фабриканинг фидойи ишчилари сафидан муносиб ўрин олди.

—Бирлашмамиз ёрлиғи билан чиқарилаётган либосларнинг замонавий, бежирим ва сифатли бўлишига асосий диққат-эътиборимизни қаратмоқдамиз,— дейди Дилором Зияева. — Ахир яхши либос — ҳуснга мос деган гап бежиз айтилмаган-да. Шуни дилдан ҳис этган чеварларимиз бутун куч-ғайратларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. Бинобарин, куни-кеча ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Компартияси XXII съезди, биз, енгил саноат ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш воситалари тайёрлашнинг ўсишидан икки баравар илдамлашиб кетганлиги билан бир қаторда енгил саноатда силжишлар бўлиши анчадан бери орзиқиб кутилаётган бўлса-да, ҳали шундай бўлаётгани йўқ. Жумҳурият аҳолиси қарийб ярим миллиард сўмлик халқ истеъмоли молларини кам олди. Бу нарса биз ишчилар зиммасига катта вазифалар юклайди, албатта. Айни шу кунларда олдимизга қўйилган масъулиятли вазифаларни бажаришдек хайрли ишни адо этишга киришдик.

Дарҳақиқат, Дилоромнинг бу гапларида жон бор. У меҳнат қилаётган цех ишчиларининг ўзларининг комсомол етакчилари бўлмиш Дилором Зияевадан ўрнак олиб, иш суръатини оширишга, маҳсулот сифатини бундан ҳам яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТДА: коммунист-ишчи Д. Зияева.

Х. Мирзакаримов сурати.

Инсон омилига эътибор

ҚЎШИМЧА МАДАД

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида кекса ишчиларга катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Жумҳуриятда ижтимоий ўзгаришларни фақат бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириб бўлмайди. Бу вазифаларни ҳал этишга министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Ҳозир 800 дан ортиқ колхоз, 50 совхоз, 85 корхона оналарга, ветеранларга, пенсионерларга қўшимча нафақа тайинладилар.

Айни вақтда ҳозир саноат корхоналари, бошқа тармоқлар махсус фондларни қолдиғида 1,3 миллиард сўм пул, шу жумладан, соцнал ривожлантиришга мўлжалланган 242 миллион сўм пул ҳаракатсиз бўлиб ётибди.

(Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди материалларидан).

КЕЙИНГИ пайтларда корхоналар ва ташкилотлар ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, пенсионерларга қўшимча ҳақ тўлай бошладилар. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда 1989 йил август ойида қабул қилинган пенсия таъминоти ва аҳолига ижтимоий хизматни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисидаги СССР қонуни диққатга сазовордир. Умуман мамлакатимизда кексалар меҳнатини қадрлаш, инсонпарварлик, жамият томонидан уларга кўрсатилаётган меҳр-оқибат, уларнинг қадр-қимматини улуғлаш, меҳнат кишиларига ҳақиқий ҳурмат яққол кўрниб турибди. Бизнинг республикамизда ҳам минглаб кексалар олаётган нафақаларининг миқдори оширилди. Бутун мамлакатимиздаги сингари республикамиздаги ёлғиз қариялар, кўп болали оналар, ногирон кишиларга ёрдам кўрсатиш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда. Кам нафақа олаётган собиқ жангчилар, хизматчиларга қўшимча нафақалар тайинлаш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамларда биз ваъда қилаётган тадбирларга, белгилаётган режаларга ишончнинг кучайишига ёрдам бермоқда. Энг муҳими ҳам шу. «Малика» трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганимизда худди томчида қуёш акс этгани каби ана шу меҳр-оқибатнинг гувоҳи бўлдик.

— Маълумки, 1990 йилни ЮНЕСКО Халқаро меҳр-шафқат йили деб эълон қилди, — деди бирлашма партия комитетининг котиби Г. А. Григорян биз билан суҳбатда. — Бунда одамларга эътибор, юксак инсоний фазилатлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби олижаноб мақсадлар мужассамлашган. Ахир, ўйлаб кўринг, республикамиз аҳолисининг 45 фоизи камбағаллик чегарасида ҳаёт кечирмоқда. Улар ҳақида фақат давлат эмас, биз, корхона мутасаддилари ҳам қайғурмасак, ким қайғуради? Тўғри, давлат нафақаларнинг кам миқдорини оширди, 20-30 сўм пул билан аҳвол бирмунча яхшиланган бўлса ҳам лекин ҳали бундай кишилар турмушини тубдан яхшилаш учун кўп иш қилиш керак.

Шунинг учун биз ҳам ЮНЕСКОнинг ташаббусига бажонидил қўшилдик. «Меҳр-шафқат» фондига бу йил 10 минг сўм маблағ ўтказдик. Бу хайр-эҳсон эмас, оддий меҳр-оқибат эканлигини биламиз.

Партия комитети котибининг гапидан шу нарса маълум бўлдики, булар бирлашмада олиб борилаётган ишларнинг бир қисмидир, холос.

Ўтган йили бирлашма 22 миллион сўм фойда олди. Бунинг 1,4 миллион сўми режага қўшимча фойдадир. Бирлашма раҳбарлари ўзаро маслаҳатлашиб, хайрли қарорларга келишди. Ана шу маблағларнинг бир қисмини корхона ишчиларининг ижтимоий-маиший аҳволларини яхшилашга, пенсионерлар ва ёлғиз қариялларнинг моддий фаровонлигини кўтаришга сарфлашни лозим топишди.

Ҳозирги вақтда бирлашмада 80 нафар пенсионер меҳнат қилмоқда. Ҳукумат қарорига кўра улар пенсия билан бирга иш ҳақларини ҳам олиб туришибди. Айни вақтда бирлашманинг фойда фондидан бериладиган ёрдам ҳам анча кенгайтирилди. Пенсияга кетаётган ишчи ва хизматчиларга қўшимча мадад сифатида 1,5 минг сўмдан пул берилмоқда. Бироқ бу ўринда шуни айтиш керакки, бундай имтиёзга эга бўлиш учун ишчи ёки хизматчи корхонада камида 20 йил узлуксиз ишлаган бўлиши зарур.

Илгари ғалати «қонун» ҳукмрон эди: пенсияга чиққан киши иш жойи билан бутунлай алоқани узиб кетарди. Ҳозир бундай эмас. Агар у хоҳласа, соғлиғи кўтарса, пенсиядан сўнг ҳам корхонада ишини давом эттириши мумкин. Бундан ташқари, «Малика»дан пенсияга чиққанларнинг ўзлари иқрор бўлиб айтишларига қараганда, бу ерда одамлар пенсиядан кейин ҳам аввалги имтиёзларини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга бўладилар. Масалан, уларнинг уй-жойга, камёб буюмлар ва мебеллар, енгил автомашина олишга бўлган навбатлари сақланиб қолади. Бу биз ўйлагандек қоғоздаги қулайлик ва ҳуқуқлар эмас, албатта. Корхонада бу амалда рўёбга чиқмоқда.

Ўтган йили ана шундай имтиёзлардан Л. Н. Феоктисова, А. С. Сеснева, Р. Чимильдинов, А. Шообидов, Р. Фролова, Н. Бабаянц каби пенсионерлар фойдаланишди. Уларга навбатларига қараб янги квартира ва автомашиналар берилди. Лекин бирлашма ўз ишчиларини «собиқлар» деб ўтайлаб қўймади. Пенсионер Сафо ака Исҳоқов шундай деди:

— Узоқ йил бирлашмада ишлаб пенсияга чиққандим. Кейинги вақтда уйда ўтириб, кўзим ожизланиб қолаётганини сездим. Оила, бола-чақанинг йўриғи бошқа. Аммо меҳнатим сингган бирлашмамиз ҳам менга меҳр-мурувват кўрсатмоқда. Қадрдонларим йўқлаб келиб туришади. Яқинда корхона вакиллари уйимга келишиб, мени шифокорга кўрсатишди, самарали муолажа олишимга кўмаклашишди. Дори-дармонларнинг сарф-харажати деб қўлимга 80 сўм нақд пул беришди. Биздек кекса ишчиларга бу катта маънавий ёрдамдир. Инсоф, адолат, меҳр-оқибат тантана қилаётганидан бениҳоя хурсандман.

Бирлашмада ёш оилаларга ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Уларга ижтимоий ва моддий-маънавий аҳволларини яхшилаб олишлари учун бирлашма фондидан фойдаси чегириб ташланган узоқ муддатли қарз бериб борилмоқда. Ётмиш нафар кишига Тошкент областининг Чирчиқ зонасидан ер участкалари ажратиб берилди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиздир. Бу—эмизикли ва ҳомиладор аёлларга тааллуқли масала. Ҳозир бирлашмада ана шу тоифадаги кишилар учун бир сменали ва қисқартирилган иш кунлари жорий қилинган. Уларга барча дори-дармонлар, мева шарбатлари корхона ҳисобидан бепул берилади. Беморлар учун кундузги шифо масканн ишлаб турибди. Аёлларнинг кўнгилдагидай ва самарали ишлашлари учун касаначилик меҳнати жорий қилинган. Хуллас, бирлашмада меҳнат жараёнлари ўзгариб, ишчиларнинг эҳтиёж ва талаблари тобора кўпроқ инобатга олинадиган бўлиб қолди. Бу ерда ишлайдиган кишилар меҳнатнинг фақат машаққатини эмас, унинг қувончини, роҳати ва фароғатини ҳам яққол ҳис эта бошладилар. Маъмурият ва жамоат ташкилотлари бирлашма цехларида материалларни иқтисод қилиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, «янгилик» белгисини қўллаш ҳисобига ортиқча буюмлар ишлаб чиқаришдан келаётган фойдани янада кўпайтириш йўлларини қидирмоқдалар.

Бирлашмадан қайтар эканмиз, бизни бир ҳис чулғаб олди. Ў ҳам бўлса ёшлар қатори меҳнат қилиб, улар билан беллашаётган, ўзларининг билим ва тажрибаларини навқирон ворисларга ўргатаётган қарияларга чуқур ҳурмат ва меҳр ҳисси эди. Биз уларни корхона қанотларига қиёс қилдик. Ҳам меҳнат қилиб, ҳам кексалик гаштини сураётган бундай одамларнинг қалбида миннатдорлик туйғулари, бахтиёрлик нашидалари уфуриб турибди. Ҳар бир корхонада, шубҳасиз, унинг ишини тебратиб турган ёшлар ва қариялар бақамти ишлашади. Таъбир жоиз бўлса, уларни икки қанотга ўхшатгим келади. Қуш қанотсиз учолмаганидек, корхона ҳам ана шу қанотларсиз бемалол «парвоз» қилолмайди. Қолаверса, ёшларга дадиллик ва журъат бағишлаб турган ҳам ана шу «иккинчи қанот» — суяги меҳнатда қотган, тажрибали кекса ишчилар, уларнинг зукколиги ва донишмандлигидир. Оилани қариялрсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, йирик ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам кексаларнинг доно маслаҳати, амалий фаолиятисиз тасаввурга сиғдириб бўлмайди. «Қари бор уйнинг — зари бор» деган гапнинг асл маъноси ҳам шунда-да.

Гапнинг очиғи, илгарилари кексаларга бундай ғамхўрликни фақат орзу қилиш мумкин эди. Бешикаст пенсияга чиқиб олиш катта бахт саналарди, қўшимча моддий ёрдамга умид қилишмасди. Сабаби маълум: ишлаб чиқаришда қанча меҳнат қилма, нечоғли кўп ва самарали ишлама, барибир текисчилик ҳукм сурар, одамлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилмас, нафақа ҳам бир хил қолипда тайинланаверарди. Хуллас, меҳнат кишиси моддий томондан ҳам, маънавий томондан ҳам ёлчимас эди.

Энди аҳвол ўзгара бошлади. Тузумимиз кўз ўнгимизда янгилана бошлади. Биз ҳозир инқилобий ўзгартишлар даврида яшаяпмиз. Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида кекса ишчилар дил сўзларининг гувоҳи бўлдик.

З. УМАРОВА.

«ЕНГИЛМАС ШЕР»ЛАР ҲАМЛАСИ



КЕЧА Миландаги «Жузеппе Меацца» стадионида XIV жаҳон биринчилигининг тантанали очилиш маросими бўлди. Жаҳон футболининг ажойиб байрамида Италия, Аргентина, Камерун, Бразилия президентлари ва Руминиянинг бош министри ҳам қатнашди.

80 минг ишқибоз шоҳидлигида ўтган тантанада биринчилик қатнашчиси бўлган 24 мамлакатнинг байроқларини кўтарган 200 спортчи қиз тўрт қитъанинг рамзий рангларида чиқишлар қилдилар.

Сўнг франциялик ҳакам Мишель Вотро биринчиликнинг дастлабки ўйинида беллашиш учун Аргентина ва Камерун командаларини майдонга чорлади. СССР билан бир гуруҳдаги рақибларимиз қуйидаги таркибда тўп сурдилар: Аргентина — Пумпидо, Батиста, Балбо, Басуалдо, Бўрручага, Марадона, Фаббри, Лоренсо, Сенсини (Кальдерон), Ружжери (Канижжа), Симон; Камерун — Н. Коно, Массинг, Эндрю Бийик, Эбвелле, Кунде, Омам Бийик, Мбоу, Татав, Макканаки (Милла) Н. Дип Акем, Мфеде (Либих).

Ўйиннинг дастлабки дақиқалари кутилмаганда Камерун футболчиларининг кетмакет ҳужумлари билан бошланди. Айниқса Омам Бийик ва Макканакиларнинг шиддатли ҳамлаларидан хавфли вазиятлар вужудга кела бошлади. Жаҳон чемпионлари аргентиналиклар бирмунча эҳтиёткорлик билан ўйнадилар. Ҳатто Марадона ҳам ўзини кўрсата олмади. Биринчи бўлим 0:0 ҳисобида тугади.

Иккинчи бўлимда ҳам камерунликлар ташаббусни қўлларидан бермадилар. Уларнинг ҳужумлари тобора хавфли тус ола бошлади. Учрашув ҳакамининг африкалик футболчилардан иккитасини майдондан чиқариб юборганига қарамай, камерунликларнинг ғалабага бўлган иштиёқлари устун чиқди. 66-дақиқада жарима тўпидан усталик билан фойдаланган Омам Бийик бошқа билан уриб тўпни дарвоза тўрига туширди. Аргентиналиклар қандай қилиб бўлса ҳам ҳисобни тенглаштиришга уриндилар. Дарвозабон Н. Кононинг юксак маҳорати туфайлигина ҳисоб ўзгармади. Ҳатто охирги сониялар ҳам африкалик футболчиларнинг жуда хавфли ҳужумлари билан тугади. Ҳа, жаҳон биринчиликларида кучсиз командалар бўлмайди. Буни биз яна бир карра ҳисобга олишимиз керак. 1974 йилдан бери амал қилиб келинаётган анъана—жаҳон чемпиони кейинги биринчиликнинг илк ўйинида майдонга тушиши ва биринчи ўйинда ҳали бирор марта ҳам ғалаба қозонолмаётганлиги яна такрорланди. Жаҳон чемпионлари «Енгилмас шер»лар рамзий белгиси остида майдонга тушадиган камерунликлар ҳамласига дош беролмай мағлуб бўлдилар. Дастлабки ўйиндаёқ биринчиликнинг ҳайратомуз ҳодисаси рўй берди. Биз камерунликларни ва уларнинг тренери, юртдошимиз В. Непомняшчийни ажойиб ғалаба билан табриклаймиз ва эслатиб ўтамиз: мамлакатимиз футболчилари бугун руминиялик чарм тўп устали ри билан беллашадилар. Биз уларга омад тилаймиз. Хуллас, оқ йўл — жаҳон биринчилиги — 90!

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида гапирилди

ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

⊙ Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида бозор муносабатларига алоҳида эътибор қаратилди. Республикамизда ўтиш давридаги ресурсларимиз ва имкониятларимиздан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқилиши кераклиги таъкидлаб ўтилди. Съезд резолюциясида ҳам бу масала ўз ифодасини топди.

Ўз-ўзини бошқариш ва бозор муносабатлари республикамиз пойтахтида қандай бўлмоғи керак? Мухбиримиз ана шу ҳақда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси Б. Ғ. ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашди.

— Тошкент республиканинг бутун халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Шуни айтиш кифояки, республикада ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг деярли тўртдан бир қисми пойтахт ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ерда йирик корхона ва бирлашмалар мужассамлашган, ишлаб чиқариш кучларининг имкониятлари ҳам каттадир. Айни вақтда кўпгина корхоналарнинг идоралар қарамоғида бўлиши улар имкониятлари минтақа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсад сари фойдаланиш имконини бермади. Шаҳар манфаатларини ҳимоя қилиш механизми бўш бўлиб чиқди. Янги хўжалик механизмига катта умид боғланган эди. Бироқ у ҳам режалаштириш ва бошқарув системасидаги барча нуқсонларга барҳам бера олганича йўқ, тармоқ ва ҳудудий манфаатларни самарали боғлашга ёрдам бермади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришнинг минтақа омиллари таъсирини кучайтириш, ҳудудий бошқаришнинг янги механизмини шакллантириш зарурати туғилди. Бу эса шаҳарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришни таъминлайди, меҳнат ва ишлаб чиқариш имкониятларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг турмуш савиясини ошириш имконини беради.

— Бугунги кунда иқтисодиёт жамиятимиз ҳаётидаги энг дардчил масалалигича қолмоқда. Аҳолининг турли хил молларга бўлган талаби қондирилмаяпти. Шу муносабат билан бозор муносабатларига ўтиш тўғрисидаги таклифлар тобора қатъийроқ айтилмоқда. Айтингчи, бу жараён узоққа чўзиладими ёки қандайдир вақтинчалик бир ўзгаришми?

— Чамаси, Тошкентдаги иқтисодий вазият республикадаги, қолаверса бутун мамлакатдаги умумий аҳволдан заррача фарқ қилмайди.

Бироқ шуни қайд этишга тўғри келадики, аҳолининг пул даромадлари анча ўсгани билан ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаймоқда. Аввалгидек, истеъмол бозори бўм-бўш бўлиб турибди. Ҳолбуки ўтган йили кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш олти фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш эса 4,2 фоизга кўпайган эди. Ана шундай шароитда иқтисодиётни ташкил этишга янгича, сийқа қолиплардан чиқиб ёндошиш зарур. Ана шунда бозор муносабатлари бўлиши мумкин. Аммо бу жараён рисоладагидек ўтиши учун бошқариладиган иқтисодиётга ўтишнинг аниқ механизми зарур. Шуни ҳисобга олиш керакки, Тошкентда ва Ўзбекистон областларида бугунги кунда бунинг учун шарт-шароит бир хил эмас. Ҳатто шаҳар ичида — районлар бўйича ҳам бу шароитлар ҳар хил.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, унинг режалаштириш ва молиявий органлари бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича тадбирларни белгилаб чиқдилар. Уларда ишларнинг асосий йўналишлари, бозор иқтисодиёти шаҳар аҳолиси учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ўзига хос фаразлар чиқаришга ҳаракат қилинди. Алоҳида эътибор бериш зарур бўлган энг муҳим масала бу—кам даромад оладиган кишилар, кўп болали оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, талабаларга имтиёзли асосда компенсация ҳимоя чораларини ишлаб чиқишдир. Аҳолининг ана шу қатламлари бўйича тахминий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, Тошкентда аҳолининг 18 фоизи ўртача даромади 75 сўмгачани ташкил этади. Пенсия ёшидаги кишиларнинг салкам учдан бир қисми эса энг кам миқдордаги нафақа олишади. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра мазкур қатламларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун озмунча қўшимча маблағ талаб этилмайди.

Яна шу омилни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу — аҳолининг иш билан бандлиги масаласидир. Зарар кўраётган ва кам фойда олаётган корхоналарни тугатиш ҳисобига, уларнинг бир қисмини ижарага бериш ва уларнинг биргаликдаги уюшмаларга ва концернларга бирлашиши натижасида ишламаётган аҳоли сони 56 минг кишига кўпайиши мумкин. Уларни «Иш билан бандлик» дастури бўйича тўла ишга жойлаштириш фақат XIII беш йиллик охирига борибгина амалга ошиши мумкин. Аммо бу бизни қаноатлантирмайди. Шунинг учун бу масалани қўшимча ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулотларни сотиш ва ўзини ресурслар билан таъминлаш, даромадларни тақсимлаш соҳаларида барча корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас.

Нарх-наво ислоҳотига ҳам кўп нарса боғлиқдир. Шуни айтиш мумкинки, 1991 йилдан бошлаб директив-юқоридан белгиланган нархлар қўйишдан бошқариладиган эҳтиёж ва таклифларга ўта бориш мўлжалланмоқда. Бу масала, ўзингиз биласиз, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, аҳолининг кам даромад оладиган у ёки бу гуруҳларини сотиб олган моллари учун қилган ҳаракатларини қисман компенсация қилишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига ўтишни ҳисобга олган ҳолда 1991 йил шаҳар бюджетини шакллантиришнинг лойиҳалари ишлаб чиқилган.

— Баҳодир Ғаниевич, шаҳар халқ хўжалигининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўзини-ўзи бошқаришга ўтиши ҳақида ўзингиз эслатиб ўтган концепция ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Иқтисодий мустақилликнинг кенгайиши хўжалик юритишнинг янги шароитлари асосида бўлмоғи, у иқтисодиётни юксак самаралигини оширишни таъминламоғи лозим. Ана шу бош мақсадга эришиш учун жумладан, режалаштириш молия ва моддий-техника тақсимотидаги марказлаштириш ва буйруқбозликка барҳам бериш зарур. Масалан, тўққизта зарар кўраётган бўлинмалар бор. Аммо зарар кўришининг сабаби асосан материаллар, энергетика ресурсларига нарх-навонинг оширилганлигида, кўрсатилган хизмат учун нормативларнинг ўзгармаганлигидадир. Бундан ташқари бозор механизмини шакллантириш нарх-наволар орқали ва молларга, хизмат турларига, молия-кредит ресурсларига, шунингдек, четга мол чиқариш ва четдан мол олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва имкониятларни кенгайтиришга, ҳамкорликдаги корхоналарни ривожлантиришга бўлган талаб-эҳтиёжва таклифларнинг турли омиллари орқали амалга ошади. Ҳозир шаҳарда юздан зиёд ташқи иқтисодий алоқа қатнашчилари қайд этилган — 14 та ҳамкорликдаги корхона ва фирмалар, 63 та давлат корхонаси, 30 та ширкат ва бошқа жамоа мулкчилик корхоналари бор. Бироқ ўтган йили улар томонидан 39 миллион сўмлик моллар четга чиқарилди. Бу умумий ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг бор-йўғи бир фоизчасини ташкил этади, холос. Уларнинг ишини фаоллаштириш учун шаҳар Совети ижроия комитети республика Министрлар Советига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида тижорат бошқармаси тузиш тўғрисида таклиф киритди.

Шаҳар янги иқтисодий марраларга чиқиши учун саводли кадрлар керак. Масалан, нега энди ҳунар-техника таълими системаси учун бюджет ажратмаларидан ташқари, шунга манфаатдор корхоналар маблағларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Тошкентнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўзини-ўзи бошқаришга ўтиши ҳалқ хўжалигини ижтимоий масалаларни ҳал этишга қайта йўналтиришни кўзда тутади. Бу борада маҳаллий Советлар катта роль ўйнаши лозим. Улар шаҳар аҳолисини пенсия таъминоти, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, бепул билим олиш ва медицина хизмати кўрсатиш борасида ижтимоий ҳимоя қилиши, уй-жой билан ва биринчи галдаги зарур моллар билан энг кам таъминланганликни доимий баҳоларда ижтимоий ҳимоя қилишлари керак. Маҳаллий Советлар тўлов ва имтиёзлар миқдорини кўпайтириш, маҳаллий бюджет ҳисобидан уларни олувчилар таркибини кенгайтириш ҳуқуқига эга бўладилар. Мустақил структура сиёсатини олиб бориб, маҳаллий Советлар кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, республикалараро моллар алмаштиришни мўлжалдагидан ўстиришга ёрдам беришлари ва Ўзбекистон ССР Давлат план комитети билан биргаликда иттифоқдош ва республика қарамоғидаги корхоналарга шаҳар учун зарур бўлган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун давлат буюртмалари беришни шакллантиришда қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Айни вақтда эса маҳаллий Советларнинг молиявий базалари ҳали бўш, бу эса табиийки иқтисодий мустақиллик шароитларида уларнинг фаолиятини мушкуллаштиради. Шунинг учун маҳаллий Советларнинг асосий вазифаси маҳаллий хўжаликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашдир. Бир қатор районларда — Фрунзе, Чилонзор, Куйбишев районларида кичик корхоналар, ширкатлар тузиш тажрибаси бор, бу эса маҳаллий Советларга қўшимча даромад олиш имконини берди.

Бошқариладиган бозор муносабатларига ўтиш механизмини ишлаб чиқиш, назаримда, синчиклаб қилинадиган ишдир. Бу масала жуда мураккаб ва кўпқиррали, унга тайёрланиш керак.

— Баҳодир Ғаниевич, бозор муносабатлари маҳаллий Советларга қандай ўринни ҳозирламоқда: мустақилликми ёки яна ижрочиликми?

— Олдинги жавобимда бу мавзуга бироз тўхтаб ўтдим. Шуни қўшимча қилишим мумкинки, маҳаллий Советларга, маҳаллий бюджетдан фойдаланишда, резерв фондини шакллантиришда, унинг миқдорини ва улар нималарга сарф бўлишини белгилашда мустақиллик берилади. Сўнгра корхоналарнинг моддий-техника таъминоти, улгуржи савдо молларини харид қилишнинг илғор шаклларини ривожлантиришда фаол иштирок этиш асосида маҳаллий Советлар ягона социалистик бозорни шакллантиришга бевосита ёрдам берадилар. Улар шартнома шароитларига риоя қилинмаганлиги, технологик интизом бузилганлиги, сифати паст маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги учун жарима солишлари, шунингдек қўшимча солиқ солишлари мумкин. Ўйлайманки, шаҳар доирасида табиат ресурсларидан фойдаланиш, унинг доирасида ишлаб чиқарилаётган планга қўшимча барча маҳсулотларга шартнома тузиш, уни ишлаб чиқараётганларнинг иттифоққами ё республикага бўйсунишидан қатъий назар ресурслар алмашишини амалга ошириш ҳуқуқи ҳам унинг йўналтирувчилик роли тўғрисида далолат бериб турибди.

Нарх-навони шакллантиришда ҳам маҳаллий Советларнинг ўзига муносиб ўрни бор. Улар баҳоларнинг мутлақ ошишига қарши иш олиб борадилар, корхоналар ўртасида соғлом рақобатлашиш учун шароит яратиб берадилар, нарх-наво ва тарифларни ошириш йўли билан асоссиз суратда фойда олишга уринишларга ғов қўйишга ҳақлидирлар.

Суҳбатдош О. ХАКИМОВА.

Илм масканларида

Маънавий қадрият нима?

АБУ РАЙҲОН Беруний номли Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институтида «Маънавий қадрият ва ҳозирги вақтда муҳандислар тайёрлаш» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуман икки кун давом этиб, унда 40 маъруза тингланди.

Маърузалар мавзуи турли-туман бўлиб, унинг ишида профессор-ўқитувчилар, корхоналарнинг вакиллари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари ходимлари, Тошкент Олий партия мактаби хизматчилари қатнашдилар. «Устоз педагогнинг маънавий қиёфаси», «Жамиятни қайта қуриш ва демократиялаштириш шароитида диний масалалар», «Ҳозирги даврда қайта қуриш ва маънавият», «Таълим жараёнининг диалектик бирлиги ва янгиланган социализм жамиятида тарбия», «Миллатларнинг тенгҳуқуқлиги мамлакатимиз халқлари бирлигининг гаровидир», «Миллий ва байналмилал тарбиянинг ёшлар камолотидаги аҳамияти» каби ва бошқа маърузалар кўпчиликда қизиқиш туғдирди. Маърузалар профессорлардан Ф. Шарипов, М. Усмонов, Қ. Ҳасанов, Ал Бухорий номидаги Ислом дорилфунунининг ректори Муҳаммад Латиф, доцентлардан С. Тешабоева, А. Нуъмонхўжаев томонидан ўқилди.

Маънавий қадриятга бағишланган анжуман сўнггида олиму фозиллар йиғилиш қатнашчиларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб бердилар.

Турғун АШРАФХОНОВ.

Турмуш чорраҳаларида

Бекатдаги одамлар

БЕКАТ. Трамвай вагони одамлар билан тирбанд бўлганидан эшиклари беркилмай қолди. Шу орада икки қиз югурганча келиб трамвайнинг олд вагони бўсағасига оёқларини қўйишди.

Ҳайдовчи уларга қаради-ю, фиғони фалакка кўтарилди: «Бу қанақаси, жонидан тўйганми бу ойимчалар?». Бир зум шу каби сўзлар миясига урилди-ю, кўз олди қоронғилашди, сакраб кабинадан тушиб, уларнинг олдига келди:

— Ҳозир иккинчи вагон оралиғига учиб кетасизлар, нима қилаётганингизни тушунасизларми?», — деди кўзларидан ўт чақнаб «ўжар» йўловчиларга тикилар экан.

Қизлар эса бирон сўз дея олмай қолдилар, ҳайдовчи йигитнинг нигоҳидан кўзларини олиб қочиб, ён-атрофга қараганча, зўрма-зўраки кулишга ҳаракат қилдилар.

— Тавба, энди кулишларига бало борми, бунчаям шошилмаса бу ёшлар, икки дақиқа ўтмай, кенг трамвай ҳам етиб келади-ю, — деди бир аёл дарғазаб бўлиб, чунки у ҳам қизларнинг хавфли ҳаракатидан қўрқиб кетганди.

Тезда кейинги трамвай ҳам етиб келди. Бироқ улар трамвайга чиқишмади. Кўчанинг нариги тарафига ўтиб, оҳиста юриб кетишди. Ҳалиги аёл яна елкасини қисди: «Тушунолмайсан, бу ёшларга. Дам қарасанг шошилиб, ўз-ўзини ўтга—чўққа уришади, дам қарасанг, бепарволигидан оламни сув босса-да тўпиқларига ҳам чиқмайди-я.

Насиба ОЧИЛОВА,
кўп нусхали «Тўқимачи» рўзномасининг ходими.


Шанба кишилида

Шанба фельетони

«ЛАҒМОН»

⊙ Тушга нималар кирмайди, дейсиз. Кеча босинқираб, ғалати бир туш кўрибман. Тумонат одаммиш. Ваъзхонлик авжида. Шаҳардаги идораларнинг раҳбарлари минбарга чиқиб, бири олиб-бири қўйяпти. Ваъдалар сақичдек қуюқ, Ваъзхонлар дардига қулоқ тутдик.

Минбарда «Ташрембиттехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Р. М. Колян:

— Азизларим, биродарларим, — деди у томоғини қириб чойдан бир хўплар экан. — Мен сизларнинг қулоқларингга лағмон осмоқчи эмасман. Тан олиш керак, бу мардининг иши. Ҳақиқатан ҳам ўтган йили аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича режани дўндира олмадик. Бор-йўғи 87 минг сўм қарз бўлиб қолибмиз. Ҳи-ҳи...

Мен сизларга айтсам, «Қарз узилар, хотин ёнга қолар» деган мақол бор. Зеро, биз ҳам қарздан қутилгаймиз. Ёлғон гапирсам ўлай. «Ёлғончи ёлчимас, ўғри бойимас» дейдилар. Чин сўзим, яхши от кейин чопади. Мана бу йил кўрасизлар, планни юз қилиб ташлаймиз. Шу сизларга айтсам, назоратчилар бизни кўришолмайди. Бор-йўғи 26 та устахонамизни текширишибди. Ҳаммасидан камчилик ва қонунга хилоф ишлар топишибди. Ҳа, нима бўлибди. Шунга ҳам ота гўри, қозихонами? Ахир ишлагандан кейин хато ҳам қилади-да. Қайта қуриш бўлса, изланаётган бўлсак. Буни қаранг, соатсозларимиз ҳисобда янглишганмиш. 18-устахонамизнинг соатсози Ҳожиматов мижознинг электрон соатини шундай бармоғини кўрсатиб созлаб бериб, бор-йўғи 16 сўм 32 тийинини уриб қолибди. Собир Раҳимов райони филиали ходимлари Проскурин ва Вафоевларимиз эса буюртмачи Идрисовнинг музлатгичини қойилмақом ремонт қилиб, бор-йўғи 3 сўм 02 тийинини уриб қолибди. Ҳа, нима бўлибди шунга. Осмон узилиб ерга тушибдими? Идрисов шу билан камбағал бўлиб қолармикан? Ахир Проскурин билан Вафоевнинг ҳам бола-чақаси бор-ку! Бундоқ чой пули ишлаш керакми йўқми? Ҳа, майли, ўтган ишга саловат. Устахоналаримиз иш режимига риоя қилишмасмиш. Прейскурантлар йўқ, шикоятлар ва мулоҳазалар дафтарлари ҳам йўқ эмиш, 8, 13, 14. 22, 23, 38, 47, 48-устахоналаримизда буюртмаларнинг ўз вақтида, сифатсиз бажарилаётганлиги тўғрисида бирлашмамизга йигирмадан ортиқ шикоят тушди. Нима бўлибди? Йигирма ҳам гапми? Юзта, икки юзтага борсин. Бундоқ муҳокама қилгани арзийди. Хуллас, ўртоқлар ютуқларимиз билан бирга, ҳали ишимизда камчиликларимиз ҳам кўп. Бекорга айтмайдилар «Рост айтиб зарар кўрсанг, охири фойда топасан». Биз ҳам фойда топиб қолармиз. Ҳи-ҳи-ҳи...

Минбарга гулдурос қарсаклар остида «Ташметаллобитремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Б. Х. Мирсоатов кўтарилади. У залда ўтирганларга қараб қўйгач, қўлидаги қоғозни шариллаганча ўқиб кетади.

— Аҳолига хизмат кўрсатиш режасисини ҳар тугул бирлашма бўйича бир амаллаб, амал-тақал қилиб бажардик. Бироқ заргарлик буюмларини тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича ўтган йил планини бажара олмадик. Ўтган йилга қараганда, бу йил аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 12 фоизга ошди. Ишчиларимиз зўр меҳнат қилишяпти. Буни қуйидаги рақамлардан билса бўлади. Маъмурий бошқарма аппаратида ўтирган ходимларнинг иш ҳаки 33 фоиз ошди. Бошқача айтганда, ўрта ҳисобда бу 302 сўмни ташкил этади. Моддий манфаатдорлик бор...

Энди мендан олдинги нотиқ айтиб ўтганидек, ишда камчиликлар бўлмай иложи йўқ. Бизнинг ишимизда ҳам нуқсонлар бор. Ўша куни денг, назоратчилар текширишганда 11-қабул пунктимизнинг қабулчиси ўрнига бегона одамни қўйиб ўзи қаёққадир қуён бўлибди. Э, буларга насиҳат қилавериб, чарчадим. Жойларингда ўтиринглар, бундоқ у ёқ-бу ёққа қараб, ҳушёр бўлларинг, деб неча марта айтаман. Барибир билганларидан қолишмайди. 7-цехнинг устахонасида бригадир Баҳромов буюртмаларга квитанцияларни ўз вақтида расмийлаштирмабди. 22-қабул пунктида столлар ва тагликлар қоидага хилоф равишда сотилган. Харидорларга ҳам ҳайронсан. У ёқ-бу ёққа қарамай олиб кетаверишади. Ҳушёр бўлинглар, ўртоқлар. Ахир пулни кўчадан супуриб олмайсизлар-ку! Бирор нарса харид қилганда кўздан кечириб олиш керак-да! Хуллас, ўртоқлар биз ҳам ишимизни қайта қураяпмиз. Ҳадемай, бунинг натижалари кўриниб қолса ажаб эмас...

Минбарга «Химчистка» фабрикасининг директори А. А. Тиллахўжаев чиқади.

— Ўртоқлар! «Душманнинг кулгани — сирингни билгани», дейдилар. Нега куляпсизлар? Ҳаммангизнинг ҳам «химчистка»га ишингиз тушиб, таъзирингизни еганга ўхшайсизлар. Энди бир неча ой химикатлар бўлмади. Ўзингиз биласиз, баъзи жойларда пунктларимизнинг иши тўхтаб қолди. Ҳа, энди бир кун ундоқ, бир кун бундоқда! Режаларни бажара олмаяпмиз. Ўтган йили зўрға 72,6 фоиз бажарган эдик. Бу йил энди билмадим, жўжани кузда санаймиз. Шу денг назоратчиларнинг ҳам топиб олгани фақат биз. Вой, буни қаранг, 45 та қабул пунктидан 20 тасини текширишибди. Ҳаммасидан камчилик чиққан. Чунончи, 14-филиалнинг мудири Азизовнинг айтишича, тафтишчилар 29 та буюмни қайта ишловга қайтаришибди. Тўғри, ишимиз кўп. Одамлар ҳозир химчисткага иложи бўлса кўрпа-тўшагини ҳам олиб келиб беришади. Шундай бўлгандан кейин муддатида бажара олмаймиз-да! Жонимизга текканидан пунктлардаги шикоятлар ва мулоҳазалар дафтарларини тинчитдик. «Оғзи куйган сувни ҳам пуфлаб ичади». Шундай экан биз ҳам қайта қуриш даврида эҳтиёт бўлиб ишлаяпмиз.

Энди очиғини айтганда, ҳаммамизнинг таниш-билишимиз бор. Гоҳида пунктларимизга таниш-билишлар келиб қолишади. Шунда ходимларимиз кир-чир буюмларни «квитанция» ёзмасдан қабул қилишиб, ўзлари «келишишади».

Ҳа, энди битта чумчуққа дон ҳам керак, сув ҳам керак. Ўзинглар тушунасизлар. Хуллас, бизнинг ишимизда ҳам камчиликлар сероб. Лекин тузатамиз. «Сўз чумчуқ эмас, оғиздан чиқса тутиб бўлмас». Бас, шундай экан сизларни ишонтириб айтаман: «Химчистка»нинг ишини қайта қурамиз.

Шундан сўнг сўз сартарошхона хизмати комбинати директорига берилади. У ҳам ишдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапириб, йиғилганлар қулоғига обдон лағмон осади. Сўзининг охирида шаҳарда сартарошхона хизмати яхшиланишига, мижозларнинг ҳақидан уриб қолмасликка ваъда беради. Шундан сўнг яна шаҳардаги бир қатор казо-казо корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари минбарга интилишади... Келинг яхшиси, тушимизнинг таъбирини Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарларидан тушунтириб беришни сўрайқолайлик.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

Табиат— ҳаёт чашмаси

Афсуски, охирги ўринда

ҲОЗИРГИ кунда экологик муаммони ҳал қилиш муҳим масала бўлиб қолди. Бу бизга давлат раҳбарлари, депутатлар нутқидан, матбуот хабарларидан маълум. Шунга қарамай, табиат тақдирига бефарқлигимиз, хўжасизлигимиз оқибатида экологик аҳвол оғирлашмоқда. Бунга сабаб экология ва табиат муҳофазаси биринчи ёки иккинчи ўринда эмас, балки охирги ўриндалигидадир.

Экология ва табиат муҳофазасига оқилона ёндошиб, бу муаммоларни сўз билан эмас, амалда бажармоғимиз лозим. Комитетимиз бир йил давомида бажарган иш натижасига келсак, текшириб, табиатга келтирган зарарлари аниқланган 140 корхона, цех ва бўлимлар иш фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Тошкент табиатига келтирган зарарлари аниқланган ҳолда корхона жамғармасидан, шу корхона раҳбарлари ўз ҳисобларидан катта жарима тўладилар, шунга қарамай, ҳамон атрофмуҳитни 404 мингдан ортиқ зарарли чиқиндилар, 2,5 миллион куб метр тозаланмаган оқава сувлари эса ариқ ва каналларни булғаб келмоқда. Экологик зарарли чиқиндиларнинг ортиб боришига корхоналар сони кўпайиб, кенгайиб бораётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Мана бир мисол, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли қуюв заводи айнан шаҳар ичида қурилиши ақлга сиғмайди.

Бу қурилиш амалга ошса 1,2 минг тонна зарарли чиқинди миқдори яна минг тоннага ошади. Шу қурилишга рухсат берган юқори лавозимдаги мутасадди раҳбарлар аҳоли зич бўлган, касалхона, болалар боғчаси ва мактаб яқинида жойлашган бу корхона қурилишига рухсат беришдан аввал шаҳар экологияси ва шу жойдаги шамолнинг йўналишини ҳисобга олсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

Ҳозирга келиб бу корхона қурилиши шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан асосли тўхтатилди. Лекин юқори ташкилот раҳбарлари бу борада бизни қўллаб-қувватласалар айни муддао бўлар эди.

Атмосферани 205 мингдан ортиқ автотранспорт воситалари зарарли чиқиндиси булғаб турган бир вақтда, кундан-кунга автотранспорт воситалари кўпайишига қарамай, бу муаммонинг олдини олиш чоралари кўрилмаяпти.

Бир вақтлар ичимлик сувлари билан машҳур бўлган, шаҳримизнинг ҳар томонидан оқиб ўтадиган ариқ ва каналларнинг аҳволига маймунлар йиғлайди. Бу аҳволни тузатиш учун корхона чиқиндилари, айниқса токсик чиқиндилар муаммоларини ҳал қилиш зарур. Бу чиқиндиларни қайта ишлаб, таркибида бўлган керакли моддаларни олиб, кераксизини маълум бир ерга кўмиш лозим. Бу масала ҳал бўлмас экан, корхоналар ўз чиқиндисини қош қорайиши билан сувга ташлаб юборавередилар. Бу муаммоларнинг олдини олиш учун табиат муҳофазаси тадбирлари алоҳида тузилиб, уни амалга ошириш учун маблағ ажратиш керак. Ҳозирги бор тадбирлар табиат муҳофазаси талабларига мутлақо жавоб бермайди, зеро, улар корхона қайта қурилиши ёки кенгайишига мўлжалланган, табиат муҳофазаси учун алоҳида маблағ ажратилган тадбирлар бўлмоғи лозим. Саноат корхоналарининг табиатга келтираётган зараридан ташқари йилига 3 миллион тоннадан ортиқ уйрўзғор ва корхона чиқиндиларини қайта ишлаш муаммоси ҳамон ечилмай келмоқда. Ҳозирда чиқиндиларни қайта ишлай оладиган заводларнинг бир нечтасини қурмоқ лозим. Албатта, бу муаммоларни шаҳар раҳбарлари ҳамда 250 шаҳар депутатлари ёрдамида амалга оширсан пойтахтимиз ариқканаллари ва унинг ташқи қисми чиқинди уюмларидан тозаланган бўлар эди.

Пойтахтимизнинг экология муаммоларини ҳал қилиш билан бирга шаҳарни кўкаламзорлаштиришни кенгайтиришимиз лозим.

Бу борада комитетимиз бир қанча илмий-текшириш ва лойиҳалаш институтлари, йирик олимлар билан «Тошкент шаҳар экологияси» дастурини тузди. Анча қийинчиликлар билан тузилган бу дастур тасдиқдан ўтса экология муаммоларини ҳал қилишга комплекс ёндашилган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, комитетимиз олдида катта муаммо ва вазифалар турибди. Ўйлаймизки, Тошкент шаҳрининг экологик аҳволи яхшиланса аҳоли кун сайин тоза сув билан таъминланишига, кишилар саломатлигининг яхшиланишига эришамиз. Бу борада комитетимиз аъзолари билан бирга, шаҳар депутатлари, ҳар бир табиатсевар ва бутун жамоатчилик жон куйдириши керак.

Шоира ИБРОҲИМОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси.

Болалар боғи

КЕЛИШУВ

Онаси ишдан келиши билан беш ёшли Зулхумор чопиб бориб деди:

— Акам-чи, мени дам олиш куни ҳайвонот боғига олиб бораркан.

— Вой қандай яхши, бунақа ишларга уни зўрлаб ҳам кўндириб бўлмасди-ку, қаёқдан офтоб чиқа қолди? — деди онаси.

— Акам уйда копток ўйнаб сервантдаги идишларни синдирганди. Мен ҳаммасини мушугимизга тўнкашга рози бўлдим, шунинг учун-да.

ЁШ ШАФТОЛИ

Дадаси олиб келган тукли шафтолини еб ўтирган тўрт ёшли Жасурбек деди:

— Дада, кейинги сафар соқоли чиқмаган, ёшроқ шафтолидан олиб келинг!

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



⊙ ЖУМҲУРИЯТ ЛИБОСЛАР УЙИДА. Бу ерда чет эл бозорига чиқадиган корхоналар учун кенг истеъмол молларининг кўргазмаси очилди.

Р. Нуриддинов сурати. (ЎзТАГ).

Сайёҳ саргузаштлари

САРКАРДА ЖАНГГОҲИ

⊙ Ҳурматли муҳаррият! Сиздан илтимос, имкони бўлса мамлакатимизнинг ҳушманзара жойларидан ҳисобланган Ялта ҳақида маълумот берсангиз. У ерларда доривор ўсимликлар ҳам кўплаб ўсар экан. Қолаверса, бундай жойлар ҳақида билишга кўпчилик қизиқади.

Салом билан Т. ИЛҲОМОВ, ҳайдовчи.

ЯЛТАДАН юқорида Массандра қишлоғи жойлашган. Аҳолиси қадимдан вино тайёрлаш билан машғул бўлган Массандра заводи ишлаб турибди. Айтишларича, ҳозирги кунда бу завод омборларида 20.000 шишадан ортиқ қадимги винолар мавжуд. Бу винолар билан олимлар қатор кузатишлар олиб боришади. Маълумотларга кўра, Массандрада 25 тонна вино хом ашёсини қайта ишлай оладиган 11 та завод бўлиб, унда 30 дан ортиқ номдаги винолар тайёрланади. Аммо, Массандра ҳам энг аввало курорт зонаси ҳисобланади, бу ерга ташриф буюрувчиларни жуда катта боғ ўзига мафтун этади. Бу ерда 19 қаватли «Интурист» меҳмонхонаси, Донбасс номли пансионат ва қатор оромгоҳлар мавжуд.

Ялтанинг шарқий қисмини сайр этишда давом этиб дунёга машҳур Никитин номидаги Давлат Ботаника боғига етиб келамиз. Бу боққа 1812 йили рус ботаниги Х. Х. Стивен томонидан асос солинган бўлиб, унда барча қитъаларда ўсувчи 28 минг ўсимлик ўстирилмоқда. Боғ ҳудудида ўзига хос бир неча махсус боғлар мавжуд. Уларни барпо этиш учун бошқа ерлардан, масалан Новороссийскдан тупроқ келтирилган.

«Қуй парк» деб аталувчи боғни Стивеннинг ўзи ташкил қилган. Бу ерда ҳозир ҳам Қримда ягона ҳисобланган пўкак дарахтзорлари, Ливан кедри, пальмалар, жамшид дарахтлари яшнаб турибди. Жуда шинам қилиб ишланган қатор ҳовузчалар, фавворалар, турк қабилида ишланган айвончалар мавжуд.

Ялтанинг шарқий қисми — Гурфуз ҳам алоҳида ўрин тутади. У IV асрда ташкил топган. Аввалари у «Юрзуф» деб юритилар эди. Бу ерларда 1820 йили улуғ рус шоири А. С. Пушкин, кейинчалик эса Грибоедов, Некрасов, Чехов, Горькийлар дам олишган.

Ялтадан шарққа томон юришда давом этсак, Алушта шаҳрига етиб келамиз. У Ялта — Симферополь троллейбус трассасининг 45-километрида жойлашган. Атрофи тоғлар ва денгиз билан қопланган. Алуштада троллейбус йўли ёқасида баланд тепалик устида ўрта асрларга хос думалоқ Генуэз минораси кўзга ташланади.

Маълумотларга кўра, Алушта VI асрда Византия императори Юстинниан томонидан барпо этилган экан. У вақтларда бу ерларни «Алустон» деб юритганлар. Ўша даврларда алушталиклар Шарқдан (Самарқанд, Бухоро) Византияга қатновчи савдо карвони йўлида жойлашганлиги учун жуда катта бойликлар орттиришган. Бу ерларда 1777-1778 йилларда Суворов хизмат қилган. Алушта атрофларида турк истилочиларига қарши рус лашкарбошиси М. И. Кутузов жанг қилган. Бу аёвсиз жангларда полковник М. И. Кутузовнинг бир кўзи яраланади ва уни севган солдатлар жанг майдонидан эсон-омон олиб чиқиб кетадилар. Шу воқеага бағишлаб, йўл ёқасида Кутузов фонтани қурилган.

Алуштада ёз ойлари қуруқ келгани учун иссиқ кунларда ҳам жазира кучи унча сезилмайди. Йил бўйи 2259 соат давомида қуёш нур сочиб туради (таққослаш учун Москвада бу кўрсаткич 1500 соатни ташкил этади). Шаҳар ҳавоси жуда тоза, чунки ҳаво осон алмашиб (циркуляцияланиб) туради. Алушта атрофида денгиз суви музламайди. Июль ва август ойларида эса денгиз сувида ҳарорат 26 даражани ташкил этади. Алушта атрофида 300 га яқин сув манбалари бор. У ерда бодом ва бошқа қатор мевали дарахтлар, узумзорлар мўл. Эътиборга сазовор Крим Давлат қўриқхонаси ҳам Алуштададир. Унда 800 дан ортиқ ўсимлик, дарахт ва бута турлари мавжуд.

Жур-жур номли шаршара (баландлиги 12 метр) ҳам сайёҳатчиларни ўзига мафтун этмай қолмайди, чунки ундан қишин-ёзин сув тўхтамай шариқраб туради.

Ялтадан ғарбда (55 километр масофада) кичик шаҳарча — Судакка етиб келамиз (аҳолисининг сони 12 мингдан ортиқроқ). Бу ерларда эрамиздан аввалги IV асрда таврлар истиқомат қилишган. Эрамизнинг III—XIII асрларида эса греклар яшаган шаҳарча катта савдо йўли устида бўлган. Суғдея деб номланган бу жойларни XIII асрда мўғултатар босқинчилари вайрон қилганлар. Сўнгра қайтадан ривожланиб Венеция таркибида (XIII аср) 1365 йилдан бошлаб генуэзлар ихтиёрида бўлган. Кўп азоблар чеккан бу ўлка турклар ва кейинчалик (XVI—XVIII асрларда) қрим хонлигига қарам эди. Рус армияси бу ерларни босиб олгач, 1783 йили Россия империяси составига қўшилган Генуэз кўрғонининг қолдиқлари (XIV—XV аср) ҳозир ҳам сақланиб қолган, у қисман қайта ишланган.

Саёҳатимизнинг ниҳояси Қримнинг саноат, маданият ва курорт марказларидан бири — Феодосия бўлди. У транспортлар ҳаракатини боғловчи муҳим жойдир. У узоқ тарихга эга. Бу ерларга А. С. Пушкин, А. П. Чехов, А. М. Горький ва бошқа таниқли ижодкорлар қадам ранжида қилишган. Аҳолиси 70 мингдан ортиқ. Шаҳарнинг эски қисми тоғ ёнбағрига, янги қисми эса денгиз бўйига жойлашган. Феодосияда йил мобайнида 114 кун денгиз сувида чўмилиш мумкин. Қуёшли дамлар 2265 соат бўлиб, йил давомидаги ўртача ҳарорат 11,7 даража иссиқликни ташкил этади. Шаҳар атрофидаги денгиз соҳилларида жуда кўп турдаги балиқлар овланади, дельфинларни ҳам учратиш мумкин. Аввалги суҳбатимизда айтганимиздек, Феодосияда ҳам ичимлик суви муаммо бўлиб келмоқда. Ҳозирча Днепр дарёсининг сувидан таъминотда фойдаланилади.

Қирғоқлар бўйлаб қатор санаторийлар, саёҳатчилар учун базалар ишлаб турибди, қатор минерал сувлар (Феодосийский, Айвазовский, Нарзан-Кримский) базалари ҳам мавжуд.

Насрулла АЛИЕВ, кимё фанлари доктори.





⊙ ГҮЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ. Совет—Италия қўшма корхонаси «Совпластитал»нинг илғор ишчиси Сатира Тошпўлатова бу ерда тайёрланган атир гуллардан ўзига хос гулдаста ясайди; пластмассадан тайёрланган шахмат доналари.

Н. Шарипов суратлари.

ХХ аср мўъжизалари

«У ЕРДА ҲАЁТ БОР» ...РОСТМИ?

⊙ Ҳурматли редакция! «Учар лаконча»лар, у дунёдан келганлар ва ерликлар билан улар суҳбатда бўлишгани ҳақида қизиқ гаплар эшитамиз. Шу ҳақда «Оқшом»да мақола беришингизни илтимос қиламиз.

Ҳайитбой НОРМАТОВ, Бардамбой САЪДУЛЛАЕВ, ишчилар.

ЕЗЁВОНЛИК Нафиса Давронованинг номи фақат диёримизга эмас, балки бошқа диёрларга ҳам таралиб кетди.

— Нафиса «Учар лаконча»ни кўрганмиш...

— Нафиса ўзга сайёраликлар билан гаплашганмиш, «у ерда ҳаёт бор», деяпти.

— Ўзга сайёраликлар Нафисани 100 кундан кейин олиб кетармиш...

Орадан юз кун ўтди. Нафиса ҳақидаги гаплар қайта тикланди:

— Нафисани олиб кетмапти-ку!..

— «Учар лаконча»ни кўргани бекор гап экан...

Хуллас, бу ва шуларга ўхшаш гаплар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Жумладан, бу гапларни мен ҳам эшитдим. Гарчи Нафисани кўрмаган, у билан бир оғиз сўз сўзлашмаган бўлсам ҳам, у бошидан кечирган воқеани чамалаб ҳис этардим. Бу—бир. Иккинчидан, самовий мўъжизаларга бўлган ишқибозлигим, ниҳоят мени, ноёб қобилиятли — экстрасенсларга тортди. Уларнинг бири билан қўйидаги мазмунда суҳбат ўтказдим.

— Сиз «Нафиса воқеа»сига қандай қарайсиз?

— Гап бўлиши мумкин эмас.

— Демак ишонасиз, шундайми?

— Бўлмасам-чи.

— Орадан юз кун ўтгач, Нафисани олиб кетармиш, деган гаплар қулоққа чалиниб юрарди. Лекин ҳеч нарсадан садо йўқ. Вақт ҳам ундан кўп ўтди. Сиз унга қандай қарайсиз?

— Бўлмаган гап.

— Нега?

— Аввало, улар анойилардан эмас. Кейин, бундай ваъдани улар ҳеч қачон беришмайди. Лекин айтиб қўя қолай. Одамлар орасида тарқалган юз кун, у Нафисани олиб кетиш учун айтилган гап бўлмай, балки улар юз кундан кейин сенда ўзгариш содир бўлади, деб эслатмоқчи бўлганлар.

— Демак, шу кунларда Нафисада ўзгариш содир бўлаяпти, шундайми?

— Шундай.

— Хўш, қандай?

— Аввало, унинг кўзларида ўзгариш содир бўлаяпти. У ўзгаришга, унинг нейронлари мослашаяпти. Сўнгра эса, у самога интилаяпти. Гоҳида, тунлари ёлғиз ўзи самога тикилади, уларни кутади ҳам.

— Фикрингизни тасдиқлай оласизми?

— Булар менинг фикрим эмас.

— Бўлмасам кимники?

— У сир. Биз ноёб одамларда сирни очиш таъқиқланган.

— Борди-ю, сирни тасодифан очиб қўйсангиз-чи, нима бўлади?

— Ҳаммаси қилмишимизга яраша бўлади.

Бу ноёб дўстим Абдурафиқ Ғафуров эди.

Суҳбат мени анча ўйлантириб қўйди. Зеро, Нафиса ҳақида мен ҳам ўз фикримни, аниқроғи охирги фикримни айтмоқчи бўлиб юрардим.

Мана, неча-неча ўнлаб йиллар ортда қолибдики, биз ерлик олий зот инсонлар бобокалонларимизнинг панд-насиҳатларини, нақлларини, донодан доно сўзларини, салому каломларини, ҳадису мерослари-ни, қолаверса ҳурмату иззатларини четда қолдириб, уч паллали ҳаёт тарозисининг бир палласини эътиборга олмай, ҳаётни икки паллали тарози билан ўлчаб келдик. Оқибати нималар билан якунланди, у ҳақда оғиз очмаса ҳам бўлади. Йўқ, биз уни қимирлатдик. Нимаики нарсалар қилмоқчи бўлсак, бобокалонларимизнинг айтганларини бир чеккага чиқариб, илмнинг, фаннинг айтгани тўғри деб турволдик. Биз ерлик инсонлар ишни бир ёқлама талқин қилдик. Унинг иккинчи томони, яъни акси ҳам бор эканлигини унутдик. Кўп нарсага бўлган ишончимизни йўқотдик. Илм ва фан намояндалари ечиб беролмаган муаммоларни: «Бу нарса табиатда йўқ, бўлмаган, бўлмайди ҳам», — деб турволдик, жумладан «Ноаниқ учар объектларни», «Учар лаконча»ларни ҳам. Ё бўлмасам: «Улар атмосферанинг геологик ўзгаришлари», — дедик. Тўғри, коинот кенг экан, бунинг устига-устак у деярли текширилмаган экан, унда турли геологик ҳодисалар содир бўлади. Уни инкор қилиб бўлмайди. Бу борада «Шарсимон учқун»лар, уларнинг турли геометрик шакллари ва шулар каби ҳодисаларни айтиш мумкин. Лекин биз, айниқса камоли зукко олимлар бир нарсани тушунишни истамаймиз, исташни хоҳламаймиз ҳам. Ахир, биз яшаб истиқомат қилаётган ёки агар бор бўлса, ўзга сайёраликлар дунёси битта эмас-ку! Ахир параллелизм деган тушунча ёки акс дунё деган тушунчалар ҳам бор-ку!

Биз ерлик инсонлар тараққиёти энг юқори чўққига чиққан, яъни цивилизацион даврда яшаяпмиз. Шу боис, бизни цивилизация одамлари, деб атаса ҳам бўлади. Лекин, шу билан бир қаторда, бизга параллел равишда яна бир цивилизация ҳам бор, гарчи сиз унга ишонмасангиз ҳам. У микромашинавий цивилизациядир.

Хўш, микромашинавий цивилизация нима? Унинг намояндалари ким?

Олдиндан айтиб қўя қолай. У цивилизация намояндалари сиз ва биз каби одам шаклидаги биообъектлар эмас. У намояндалар ўз номига мос тушади. Бу ҳақда, айрим олимлар айтганича ишлаётганлар йўқ эмас, улар бор. Ҳозирда ҳаёт. Улардан бири рус олими Валентин Николаевич Фоменкодир. У шундай аниқ бир фикрга эгаки, унга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Жумладан, муаллифингиз ҳам ўз фикрларини унинг фикрларига мослаган ва фикрлари тўғри эканлигини кўпгина тажрибаларда синаган. Ниҳоят Фоменконинг фикридан хабар топгач, имони комил бўлган.

Хўш, микромашинавий цивилизация деганда нимани тушуниш керак? Балки бизнинг шу кундаги машиналаримизни тушунармиз? Йўқ, мутлақо йўқ! Биз ерлик олий зот инсонларнинг онги микромашинавий цивилизация намояндаларини ихтиро қилишга ҳозир ва бундан кейин ҳам қодир эмас, деб ўйлайман. Боисини такрорланувчи (пульсланувчи) коинотнинг тараққиёт қонунидан ахтариш керак. Бу гап, гарчи сизга муаммодек кўринса ҳам лекин у ҳақиқат. Чунки коинотнинг кенгайиш ёки торайишига қараб кишилик жамияти ва намояндаларининг онгини баҳолаш мумкин. Агар бизнинг ҳозирги цивилизация давримиз бундан уч-тўрт миллиард йиллар илгари бўлганда эди, балки биз ерликлар ҳам микромашинавий цивилизация наомояндаларини ихтиро қилган бўлардикми? Негаки, коинот у пайтларда кенгаяётган эди.

Маълумки, кенгаювчи коинотда табиатнинг тараққиёти фақат илгарилама бўлади. Жумладан, одамларнинг онги ҳам. Лекин ҳозирчи? Ҳозирда, кўпгина олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда коинот торайиш жараёнида. Бу деганн, у қизил силжишдан яшил силжишга ўтгани деганидир. Шундай экан, бу жараён табиатнинг ривожланиш қонунига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, жумладан одамларнинг онгига ҳам. Менимча бу фикрга ботаникнинг кераги бўлмаса керак. Зеро шу кунларда, ер сатҳида, сув тубида, атмосферада бўлаётган воқеалар, қолаверса ноаниқ объектларнинг, мўъжизавий ноёб одамларнинг даб-дурустдан пайдо бўлиши ва шуларга ўхшаш барча воқеалар фикримизнинг далили бўла олади.

Яна шуниси қизиққи, микромашинавий цивилизация намояндаларининг еримиз саҳнида ўзига хос резервуари бор. Гоҳида айрим одамларни у ерга олиб бориб кўрсатиб келадилар ҳам. Бундан ташқари, уларнинг энг муҳим вазифаларидан яна бири, биз ерликларни турли ҳалокатлардан сақлашдир. Тўғри, улар шу кунларда содир бўлаётган экологик масалаларни, инсонларга вабо тарқатувчи ядровий қуролларнинг олдини ололмайдилар. Аммо Она-Еримизда ҳалокат юз бериб инсонлар қирилиб кетадиган бўлса, улар биз ерликлардан ҳаёт омилларини оладиларда, бошқа ҳаёт учун қулай шароитни бор сайёраларнинг бирига олиб кетадилар. Шу боис ҳам Еримизда ҳаёт Марс ҳалокатга учрагандан кейин бошланган десак муболаға бўлмайди.

Нафисанинг кўрдим деган «Учар лаконча»сига келсак, у оддий нарса. Бир сўз билан айтганда уларнинг транспорт воситасидир. Лекин уларнинг транспорт воситаларида бизнинг аппаратларимиздаги каби аппаратларнинг бўлиши шарт эмас. Ҳатто бўлмаслиги ҳам мумкин. Уларнинг тезлиги ҳам катта. Чунки улар биз каби фақатгина электромагнит тўлқинларидан эмас, балки гравитацион майдон кучидан ҳам фойдаланадилар. Шундай экан, уларнинг учиш тезлигидан гап очмаса ҳам бўлади.

Чунки, агарда биз ерлик инсонлар ҳам ўша гравитацион майдон кучидан фойдалана олганимизда эди, бизнинг аппаратлар ҳам ўшандай тезликда уча олган бўларди. Афсус, биз у даражага етолмаганмиз. Шу боис ҳам на уларга ва на уларнинг транспорт воситаларига тушунмаймиз.

Шундай қилиб, «У ерда ҳаёт бор», — деб Нафисанинг айтгани ростми? Рост. Лекин у ҳаёт, биз ерликлар ўйлагандек ҳаёт эмас. У ҳаёт, микромашинавий цивилизация намояндаларига ҳамда биз ерлик инсонларнинг руҳларига мослашган ҳаётдир. Биз ерликларнинг ҳаёти такрорланувчан ҳаёт бўлса, уларнинг ҳаёти абадийдир. У ҳаётни келажакда Нафиса кўра олиши мумкин. Чунки у энди бобокалон ва момо оналаримиз намояндасидир. Шундай дейишга ҳақлимиз. Чунки бобокалон ва момо оналаримизнинг барчаси ўз вақтида уларни кўра олган, улар билан мулоқотда бўла олган. Боиси, уларнинг, аввало кўзлари, қолаверса барча тиш аъзолари, уларни бошқариб турувчи нейронларининг функциялари кўп доирали (диапазонли) бўлган. Афсус биз ерлик, ҳозирги инсонлар ундан бебаҳрамиз.

Тўхтасин КАРИМБЕРДИЕВ, Тошкент политехника институтининг доценти, техника фанлари номзоди.



Форс ҳикоятлари

Мақсадга етмоқ йўли

БИР чумоли заҳмат чекиб, хирмондан бир дона буғдойни судраб келарди. Шу ердан бир қуш ўтиб қолди. Чумолини кўрдики, қувониб донни олиб кетишга уринарди. Қуш унга деди: «Эй заиф чумоли, нима иш қилаясан?» Чумоли унга деди: «Мен қишга озуқа тайёрлаяпман ва шу хирмондаги ҳамма буғдойни олиб кетмоқчиман». Қуш деди: «Сен шу заифлигинг билан қандай қилиб бу ниятингни амалга ошира оласан». Чумоли деди: «Ҳар ким ҳаракат қилса, ўз мақсадига етади».

Хислатдан асар йўқ-ку

БИР зоғ дарахтнинг бу шохидан у шохига учиб-қўниб юрарди. Кўзи дарёнинг қирғоғида ўйнаётган қисқичбақага тушди. Секин келиб қисқичбақани тумшуғи билан илиб олди ва парвоз қилиб дарахт шохига қўнди. Ўлим яқинлигини сезган қисқичбақа зоғга деди: «Эй зоғ, мен сизнинг ота-онангизни танирдим ва улар билан қалин дўст эдим. Улар жуда ҳам гўзал ва озода зоғлар эдилар!..» Зоғ бўлса оғзини очмасдан, бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди. Қисқичбақа давом этиб, деди: «яна мен опа-сингил ва ака-укаларингизни ҳам билардим. Улар ҳам қанчалик тоза ва нафис эдилар». Зоғ, яна бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди, лекин оғзини очмади. Қисқичбақа деди: «Аммо худо хайрингни берсин, сенда бу хислатлардан асар ҳам кўрмаяпман». Зоғнинг жаҳли чиқиб: «Нима учун?!» — деб оғзини очиб юборди. Қисқичбақа эса зоғнинг оғзидан тушиб, тезда ўзини сувга отди ва унинг чангалидан қутулди.

Одилжон БЕГИМОВ
Қарши шаҳридаги педагогика институти ўқитувчиси, шарқшунос.

Ноёб зироаворлар

ЗАНЖАБИЛ

ШАРҚ халқлари пазандачилигида қадимдан қўлланиб келинадиган аломат зиравор турлари мавжуд бўлиб, улардан тадбиркорлик билан фойдаланиш нафақат егулик маҳсулотларни ҳуштаъм ва татимли қилибгина қолмай, уларнинг шифобахшлик даражасининг зиёдаланишига ёрдам беради. Шулардан бири — занжабил ҳақида маълумот берамиз.

Занжабил маданий ҳолда Малабар соҳилларида, Ҳиндистоннинг Бенгалия қисмида, Австралия, Япония, Хитой каби мамлакатларда кўплаб экилади. Занжабилнинг қуритилган маҳсулоти кулранг-сариқ, ўзига хос хушбўй исли бўлиб, у ўткир татимли мазаси билан зиравор омил сифатида ишлатилади. Илдизпоялари таркибида тилин ёқимтой ловуллатадиган гингероль, ифор мойлари, крахмал, зарра маъданлар ва бошқа фойдали моддалар жо бўлган. Занжабил маҳсулоти одамнинг иштаҳасига барака беришгина қолмай, у дориворлиги билан ҳам ажралиб туради. Абу Али ибн Сино ёзвойи занжабилнинг хосиятлари устида тўхталиб, у дилни хурсанд қилувчи, қувват берувчи хусусиятга эгалиги, қусишни тўхтатиш, ич кетишни қолдиришини айтган.

Занжабил жаҳон бозорида икки хил кўринишда харидга қўйилади. Оқ ва қора занжабил тайёрланиши жиҳатидан фарқ қилади. Занжабилнинг қазиб олинган илдизпоялари покиза қилиб ювилганидан сўнг, қуёш тобига қўйилиб қуритилса оқ занжабил ҳосил бўлади. Агар ўсимликнинг илдизпоялари қозонда ёхуд бирор идишда қайнатилиб, пиширилганидан сўнг қуёш остида қуритиладиган бўлса, унда қора занжабил ҳосил бўлади.

Одатда занжабил маҳсулотлари 8—10 сантиметр узунликда ва икки энлик қалинликда чиқарилади. Занжабилдан бўрсилдоқ нон маҳсулотларига, шунингдек гўшт маҳсулотлари, турфа ичимликларга ўзгача там беришда фойдаланиш билан бирга, унинг спиртли тиндирмаси гомеопатияда ва тибет табобатчилигида атрофлича қўлланилади.

Занжабил ўсимлиги кўркам бўлганлиги учун манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади. Унинг айрим турларидан эса, пишиқ толалар олиниши ҳам мумкин. Занжабил атир-упа, хушрўйлаш саноатида ҳам фойдали хом ашё сифатида ниҳоятда қадрланади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

«Гагарин табассуми»

⊙ ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясига қарашли Ботаника боғи жамоаси пойтахт аҳолисини турли-туман гуллар билан таъминлашда қатор ишларни амалга оширди.

Бугун шаҳар савдо тармоқларига 6 хил қўқонгул, 1000 дона саллагул дарахти, Япония магнолияси, лола дарахти, 20 хил «Гагарин табассуми», «Хаёлчан қиз» каби туганак пиёзли кўп йиллик гуллар юборилди. Бу гуллар ўзининг жозибадорлиги, нафислиги билан барчага манзур бўлмоқда.

Дилмурод ОБЛАЕВ.

Ҳурматли редакция! Мен ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисиман. Ўқитувчилик билан бирга санъатга ҳам қизиқаман. Шунинг учун «Тошкент оқшоми» рўзномасида эълон қилинган «Энг, энг энг...» ойна сўзига баъзи маълумотларни ёзиб юборишни лозим топдим:



БИРИНЧИЛАР

⊙ Ўзбекистонда биринчи ашула ва рақс ансамбли 1926 йилда Самарқандда Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлигида ташкил этилган.

⊙ Ўзбекистонда биринчи музикали театр 1929 йили Самарқандда ташкил топди. Бунга юқорида қайд этилган ансамбль асос бўлди.

⊙ Ўзбекистонда биринчи ўзбек совет театри Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ташкилотчилигида 1918 йили иш бошлади. Бу театр Ўлка сайёр сиёсий труппаси деб номланган.

⊙ Ўзбекистонда илк миллий балет Р. А. Раславский томонидан яратилган «Паҳта» балетидир. (Балетмейстерлар К. А. Бек, Уста Олим Комилов).

⊙ Ўзбекистонда илк миллий опера — «Бўрон» 1939 йилда яратилган бўлиб, Ашрафий ва С. Василенко томонидан ёзилган.

⊙ Ўзбекистонда илк музикали драма — «Олтинкўл» 1949 йилда яратилган бўлиб. Манас Левиев томонидан ёзилган.

⊙ Биринчи ўзбек овозсиз бадиий фильми — «Мусулмон қизи» 1925 йилда яратилган.

⊙ Биринчи ўзбек овозсиз ҳужжатли фильми — «Эски шаҳар» 1927 йилда режиссёр В. Тимковский томонидан суратга олинган.

Ойсанам РАҲМОНОВА, Фарғона область, Бувайда район, Янгиқўрғон қишлоғи.



«Дўмбиранинг янгроқ овози, Қалбимизнинг қувноқ садоси».
Р. Альбеков сурат-лавҳаси.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар

II июндан—17 июнгача

Душанба, 11

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Кимё.
18.10 «Яхшиликдан борми фойда». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иккинчи истеъдод». Тошкент вилояти олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари санъатининг кўриги.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Учқур отлар». Телефильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Томорқа ерларидан унумли фойдаланайлик».
21.00 Танбур ва дутор тароналари.
21.30 **КПСС XXVIII съезди олдидан.** Делегатлар билан учрашув.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Рақиблар». Бадиий фильм («Ленфильм»).
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.35 А. С. Пушкин. «Қизғанчиқ рицарь». Телеспектакль.
18.20 «Қарқара нега жойини ўзгартирди». Телефильм.
18.30 «Олтин сур». Бадиий фильм («Ўзбекфильм», рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 Тожик композиторларининг симфоник асарлари.
21.25 «Тожик тилини ўрганамиз».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Набирамиз милицияда ишлайди». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 11 июнь куни МТ I кўрсатувлари соат 6.00 дан 12.00 гача ЎзТВ I канали орқали намойиш этилади.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 12 ва 13-серияслар.
9.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Швеция терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
10.50 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
11.50 Халқ оҳанглари.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Биз ва иқтисодиёт». Қўшма корхоналар.
16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 Болалар соати (француз тили дарси билан).
18.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 14 ва 15-серияслар. Премьера.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.35 «Қутбдан икки чақирим берида». Илмий-оммабоп фильм.
20.55 «Нафосатнинг барча қирралари». Е. Честняков.
21.55 «Джаз портретлари».
22.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 «Чеховга эса ишониш керак». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев).
8.45 Футбол. Жаҳон чемпионати Югославия — ГФР терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.45 Болалар учун фильм. «Яшил патруль» (Москва илмий-оммабоп фильмлар студияси).
11.00 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 1-кўрсатув.

* * *

17.30 Теннис. Францияннинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
18.30 «Бошпанасиз Конгуржа». Мультфильм.
18.45 «Қишлоқликнинг ён дафтаридан». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.10 Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.30 Тунингиз хайрли, бўлсин, кичкинтойлар! «Бувимнинг туғилган куни». Мультфильм.
19.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.50 «Мангулик билан юзма-юз». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
20.30 «Рус қўшиғи жаранглайди». И. Банковский куйлайди.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Коста-Рика — Шотландия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 «Иллюзион». «Катта ер». Бадиий фильм («Мосфильм», 1944 й., 1974 йилда М. Горький номли киностудияда қайта тикланган).
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати Англия — Ирландия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

Сешанба, 12

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Она тили ва адабиёт.
18.10 «Ботир йигитлар», «Велосипед арзлади». Қўғирчоқ фильмлар.
18.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз» (такрор.).
19.00 «Қоракўлчилик: тажриба ва муаммолар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.55 «Тижорат хабарлари».
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Ёзувчи ва замон».
21.10 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси кафедраси битирувчиларининг концерти.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интилиш».
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.30 «Бунёдкорлик кошонаси». Ҳужжатли фильм (рус тилида).
17.40 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм («Ленфильм»).
19.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Қишлоқларимиз қиёфаси». Оҳангарон ноҳиясидан кўрсатув.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Армуғон». Мусиқий кўрсатув.
21.00 «Кино оламида». «Тожикфильм» киностудиясининг янги «Ахрумаздо» фильми ҳақида.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради...».
22.25 «Пайванд».

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 14 ва 15-серияслар.
10.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Англия — Ирландия терма командалари. 2-тайм.
11.00 Болалар соати (француз тили дарси билан).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.40 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).

* * *

15.45 «Созандалар мусиқа ҳақида».
16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 «Фиеста Филиппина» ансамбли ижро этади.
17.30 Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид телерадио программалар I Бутуниттифоқ конкурсида соврин олган кўрсатувлар. «Гилдирак» (Новосибирск).
18.00 Н. Чепрага куйлайди.
18.25 «Карма». Н. Рерихнинг дўсти ёзувчи А. Хейдок тақдири ҳақида.
19.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 16-серия. Премьера.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Долзарб интервью.
20.40 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
22.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Ритмик гимнастика.
8.45 Болалар учун фильм. «Дайди Расмус». 1-серия («Экран»).
9.50 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 2-кўрсатув.
10.25 Тақрорий, телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 5-фильм — «Қирқ биринчи йил». 1-серия.

* * *

17.30 «Таушен». Телевизион ҳужжатли фильм (Олмаота).
18.00 «Ростик ва Кеша». Мультфильм.
18.15 «Александр Малинин базми».
19.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
19.45 Информацион программа.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия — Жанубий Корея терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 Информацион программанинг давоми.
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Голландия — Миср терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

Чоршанба, 13

● ЎзТВ I

11.30 «Пионерлар ёзи». Болалар учун фильм-концерт.
12.00 «Уйга қайтди». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Биология.
18.10 «Шоирлар — болаларга». Муҳаммад Раҳмон.
18.50 «Маорифимиз муаммолари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.50 «Сувости изланишлари». Телефильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 Тошкентда Ўзбекистон вилоятлари ва ҚҚАССР маданияти кунлари. Ойнаи жаҳонда — Самарқанд.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Зудов, ишдан бўшатилдингиз». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.40 «Болеро». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).
18.05 «ДОСААФ — мардлик майдони» (рус тилида).
18.35 «Ягона йўл». Бадиий фильм (СССР—Югославия).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Санъат усталари». Композитор Шарифиддин Сайфиддинов.
21.00 «Доривор ўсимликлар». Телетомошабинларнинг саволларига табиб Ҳомиджон Зоҳидов жавоб беради.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Ахет дехот» тележурнали.
23.00 «Кичик бир шаҳарда». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.30 «Йил фасллари». Июнь.
9.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 16-серия.
10.00 Телевизион ҳужжатли фильм.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Дўстлик меридианлари». Бауман номли Москва давлат техника билим юрти «Гаудеамус» ҳамда Брауншвейг шаҳридаги «Камерата вокале» (ГФР) ёшлар хорларининг концерти.
16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 17 ва 18-серияслар. Премьера.
20.00 «Время» . Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.35 Сиёсий мулоқотлар. Россия партия конференциясига.
22.05 СССР халқ артисти М. Магомаев куйлайди.
23.05 «Йиллар оша учрашув». Радио ва тележурналист Ю. В. Фокин ижоди ҳақида телевизион очерк.
23.35 Давомли суҳбат. Кинорежиссёр А. Кончаловский билан учрашув.
00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия—Жанубий Корея терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Голландия — Миср терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
10.15 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 2-сони.
10.25 Болалар учун фильм. «Дайди Расмус». 2-серия.
11.40 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 3-кўрсатув.
12.15 Тақрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 5-фильм — «Қирқ биринчи йил». 2-серия.

* * *

17.30 Киноабонемент. «Тақдир тақозоси». Бадиий фильм.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сеҳргар Юнин».
19.45 «Тисса қўшиқлари». Мусиқий телефильм премьераси (Венгрия).
20.00 Информацион программа.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Уругвай—Испания терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 Информацион программанинг давоми.

Пайшанба, 14

● ЎзТВ I

11.30 «Санъат чашмаси». Фильм-концерт.
12.10 Тақрорий фильмлар экрани. «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Математика.
18.05 «Чўлдаги хазина». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.55 «Алифбо сабоқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради...».
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Депутат ва ҳаёт». Фарғона вилояти Фарғона ноҳиясидан кўрсатув.
21.15 Ўзбек классик қўшиқларидан концерт.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «3-студия».
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.35 «Сеҳрли орол». Бадиий фильм («Мосфильм»).
18.45 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Новокузнецк драма театри (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Паём дўсти». Ўрта Осиё ва Кавказорти жумҳуриятлари ижрочи коллективларининг чиқиши.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради...».
22.25 «Бозор иқтисодиётига ўтиш».
23.25 «Нафосат оламида». М. Олимов номли бадиий билим юрти.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 17 ва 18-серияслар.
10.00 «Карма». Н. Рерихнинг дўсти ёзувчи А. Хейдок тақдири ҳақида.
10.35 «Бу бўлган... бўлганди...».
10.55 «Зиёратчилар». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
11.25 Исландия дорилфунуни хорининг концерти.
11.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — СССР терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
12.45 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).

* * *

15.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 Москвада биллиарднинг уч куни.
18.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 19 ва 20-серияслар. Премьера.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Москва музейларидаги бадиий хазиналар.
21.15 «Нафосатнинг барча қирралари». Тунги концерт. Р. Шуман.
22.05 «Чукотка. Хотира қирғоғи». Ҳужжатли фильм.
22.55 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Уругвай — Испания терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 Болалар учун фильм. «Чапдаст капитан». 1-серия («Беларусьфильм»).
10.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — СССР терма командалари. 1-тайм. Италиядан кўрсатилади.
11.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
12.15 «Илон сўқмоқларидаги суҳбатлар». Туркманистоннинг кекса илон овловчиси Ю. А. Орлов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Ашхобод).
12.35 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 4-кўрсатув.
13.00 Тақрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 6-фильм — «Ғалаба бўсағасида». 1-серия.

* * *

17.30 «Пингвинлар». Мультфильм.
17.45 «Радуница» қўшиқ-чолғу ансамбли ижро этади (Рязань).
18.05 «А. Осмеркиннинг голгофи».
18.25 «Тош лабиринтлар жумбоғи». Илмий-оммабоп фильм.
18.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.50 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
19.45 Мусаввир устахонасида. Алексей Кузьмич.
20.00 Информацион программа.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Камерун — Руминия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 Информацион программанинг давоми.
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия — АҚШ терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

Жума, 15

● ЎзТВ I

11.30 «Мактаб манзаралари». Фильм-концерт.
12.00 Тақрорий фильмлар экрани. «Ягона йўл». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Физика.
18.10 «Митти ёлғончи». Мультфильм.
18.20 «Давр тақозоси». Ангрен авторемонт заводи коллективининг муаммолари, изланиш ва ечимлари ҳақида.
18.50 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Саховат эгаси». Ҳужжатли фильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлик оқшоми».
21.30 «Тижорат хабарлари».
21.35 «Салом, алифбо». Манзарали фильм.
21.45 «Одобнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ошкора мулоқот». 1990 йили олий ўқув юртларига қабул: муаммо ва ечимлар.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.35 «Сенинг тақдиринг учун» Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Қаерга ишга жойлашиш керак».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Армуғон». Мирзо Турсунзода номли Санъат институти талабаларининг чиқиши.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тушаи чашм».

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 19 ва 20-серияслар.
10.00 Мусиқий поэзия. «Сокин тун хаёли». А. Смирнов ижро этади.
10.25 Москвада биллиарднинг уч куни.
11.25 Р. Штраус. «Дон Жуан». Симфоник поэма. Москва давлат филармонияси академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Э. Клас.
11.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Камерун — Руминия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
12.45 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Объектив».
16.20 «Капитошка». Мультфильм.
16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 «Мусиқий хазина». Д. Шостакович. 5-симфония. СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — СССР халқ артисти Д. Кахидзе.
17.50 «Шер боласи» ва тошбақа қандай қилиб қўшиқ куйлашди». Мультфильм.
18.00 «Кержацк бурчаги». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск шаҳри).
18.20 Созанда-ижрочилар П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсининг тантанали очилиши. Консерваториянинг катта залидан кўрсатилади.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.35 Сиёсий мулоқотлар.
20.55 «Нафосатнинг барча қирралари». Е. Честняков.
21.55 «Джаз портретлари».
22.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия—Жанубий Корея терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Голландия — Миср терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
10.15 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 2-сони.
10.25 Болалар учун фильм. «Дайди Расмус». 2-серия.
11.40 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 3-кўрсатув.
12.15 Тақрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 5-фильм — «Қирқ биринчи йил». 2-серия.

* * *

17.30 Киноабонемент. «Тақдир тақозоси». Бадиий фильм.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сеҳргар Юнин».
19.45 «Тисса қўшиқлари». Мусиқий телефильм премьераси (Венгрия).
20.00 Информацион программа.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Уругвай—Испания терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 Информацион программанинг давоми.

Шанба, 16

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Охирги икки». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
11.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бўзлаётган Бўзсув».
11.45 «Нур таратган соҳибалар». Кинокўрсатув.
12.55 «Дўстлик» программаси. «Замандас». Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинлари ўртасидаги айтишув.

Тижорат видеоканали:

13.55 «Илғор тажриба мактаби». Самарқанд вилояти Пойариқ ноҳияси «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг иш тажрибасидан.
14.25 «Меҳнатидан эл мамнун». Олтиариқ райПОси ҳақида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
18.45 «Мультипанорама».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
21.00 **Ўзбекистон ССР Олий Советининг II сессияси олдидан.** «Оналар орзуси».
21.30 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 «Саудия Арабистонига зиёрат олдидан».
23.10 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув (давоми).
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика.
9.15 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
10.05 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-серияслар.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 СССР футбол федерацияси кубоги. «Помир» (Душанбе) — «Динамо» (Москва). Фрунзе номли жумҳурият стадионидан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Ҳужжатли фильм.
18.50 «Светофор». Октябрятлар учун программа.
19.30 «Новости».
19.50 «Тунги Эрмитаж». Кинолавҳа.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради...».
20.35 «Шаби дилкушо».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Мавчи гўё». Тожикистон радиосининг 60 йиллигига.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Сиз яратган боғ».
8.30 «Инсон. Ер. Коинот».
9.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
10.00 «Италияда беш кун...». 1937—38-йилларда қатағон қилинган итальян оилаларининг тақдири ҳақида.
10.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Май ойи эди». Телевизион бадиий фильм («Экран»).
12.35 «Спектр».
13.05 «Ҳайвонот оламида».
14.05 Сиёсий мулоқотлар. Москва—Ленинград—Кемерово телекўприги.
15.05 «Металл формуласи». Ҳужжатли фильм премьераси. Актюбинск ферросплав заводи ҳақида («Моонсундфильм»).
15.15 Оила экрани. «Сотқин аёл». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
16.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
17.00 «Халқаро панорама».
17.45 «Оққушлар». Мультфильм.
18.00 «Биргалашиб қўшиқ куйлаймиз, дўстлар».
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 «Бахтли тасодиф». Оилавий викторина.
21.35 «Сеҳрли куч». Телевизион бадиий фильм.
22.40 Сизни «Саквояж» қаҳвахонаси таклиф этади. Эстрада программаси.
00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Англия — Голландия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.50 «Антон-квартет бизнинг студиямизда».
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Австрия — Чехословакия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. ГФР—Бирлашган Араб амирликлари терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
11.45 «Ҳаёт гўзал». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм» ва «Куатто чинематографика», Италия).
13.25 Мусиқий видеоканал.
15.25 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
15.55 «Совет Россияси» видеоканали.
18.25 «Шахматчининг кузи». Жаҳон экс-чемпиони М. Ботвинник ҳақида.
19.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Булут ва соя».
20.00 Информацион программа.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Коста-Рика терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 Информацион программанинг давоми. Кўрсатув тугагач — Тунги сеанс. «31-бўлим ҳалокати». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серияслар («Таллиннфильм»).

Якшанба, 17

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Сурхондарё вилояти Шарғун шаҳридаги «Лочин» ҳамда Минск вилояти Любанск ноҳиясидаги «Кузьмичи» командаларининг дўстлик учрашуви.
11.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Маринка, Янка ва қирол қасридаги мўъжизалар». Бадиий фильм («Беларусьфильм»).
12.20 «Амалий давра суҳбати». Жумҳуриятда газлаштириш ва сув таъминоти муаммолари.
13.20 Спорт кўрсатувлари: 1. «Қуёшли ўлка маршрутлари бўйлаб». 2. «Шоҳруҳ» клуби.
14.20 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
14.55 «Тижорат хабарлари».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Болалар учун концерт.
18.45 «Саҳат-саломатлик». Медицина ходимлари кунига бағишланган кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Гуллар билан чизилган автопортрет». Телефильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Оламга саёҳат».
21.30 **Ўзбекистон ССР Олий Советининг II сессияси олдидан.**
22.00 «Ахборот».
22.20 Жумҳурият ёш қизиқчиларининг конкурси.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Мўъжиза-алифбо».
10.50 Медицина ходимлари кунига бағишланган кинопрограмма.
11.50 «Кимлигимизни билиб қўйш». Бадиий фильм.

* * *

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Кимлигимизни билиб қўй». Бадиий фильм.
19.20 «Оддий мўъжиза».
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Боз як барномаи чавони».
22.00 «Ҳафта». Информацион программа.
22.30 Жумҳурият халқ артисти Мастона Эргашева куйлайди.
23.50 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Мусиқий киоск».
12.30 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
13.45 «Таниш-нотаниш». СССР халқ депутати С. Б. Станкевич.
14.30 Болалар учун фильм. «Буратинонинг саргузаштлари» 1 ва 2-серияслар («Беларусьфильм»).
16.45 «Венада баҳор». Оммавий-симфоник куйлардан концерт (Австрия телевидениеси).
17.15 «Юпқа муз устидаги зиёфат». Бугунги Польшанинг муаммолари ҳақида.
18.45 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. И. Стаднюкнинг шу номли романи асосида. 1-серия (А. Довженко номли киностудия). Премьера.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари.
20.45 «Здоровье». Медицина ходимлари кунига.
22.00 «Бу кеча қувноқ ўтди». Бадиий-публицистик фильм.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.50 «Навбат сизга, артист». Елена Ласько.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Швеция — Шотландия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 Молдавия мусиқий фольклори концерти.
10.00 «Олис орол сири». Мультфильм.
10.30 Автоспорт. Жаҳон чемпионати. «Формула-1». Монте-Карлодан кўрсатилади.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.00 «Ойла» телепрограммаси.
13.00 «Терговда аниқланишича...». Бадиий фильм, субтитр билан (Рига киностудияси).
14.30 «Уйғониш». «Клиндаги уй». Подмосковьенинг П. И. Чайковский номи билан боғлиқ жойлари ҳақида.
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.30 «Рус овунчоқлари». Мультфильм.
18.45 Қалбга яқин қўшиқлар.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
19.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ирландия — Миср терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 «Ҳинд киноси мухлисларига». Киноконцерт.
23.10 «Чемпионларнинг бошловчи спортчиларга маслаҳатлари».
11.55 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 5-кўрсатув.
12.25 Тақрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 6-фильм — «Ғалаба бўсағасида». 2-серия.

* * *

17.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия—АҚШ терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
18.30 Крис Кельми куйлайди.
18.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Ореховода музей бўлиши керакми?». Ҳайкалтарош А. П. Кибальников ижоди ҳақида (Волгоград).
19.00 Мультфильм.
19.10 «Айбсиз-айбдорлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ҳозирги пайтда суд ишларида халқ маслаҳатчиларининг ўрни ва роли ҳақида (Ростов-Дон).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бир товоқ бўтқа». Мультфильм.
19.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.50 «Экранда Сибирь». Киножурнал.
20.00 Информацион программа.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Австрия — Чехословакия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 Информацион программанинг давоми.
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. ГФР—Бирлашган Араб амирликлари терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
24.00 «Осим ака». Телевизион ҳужжатли фильм (Олмаота).
00.20 «Салом, азизим». М. Суворова куйлайди.
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия — Уругвай терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д—2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

Р — 04604.